

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Курбанов Жаҳонгир Абдумуталлиевич
Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

**«Янгиланган Конституциямизнинг чинакам муаллифи халқимиз бўлди» —
Шавкат Мирзиёев**

Аннотация: Мақолада янгиланган конституцияда тадбиркорлик ва у билан шуғулланишинг ҳуқуқий кафолатлари ва амалга қўллашнинг механизmlари таҳлил қилинган. Эркин бозор иқтисодиётида давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки, конституциявий вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилиши мухим аҳамиятга эга бўлиб, муаллиф томонидан мазқур кафолат турлари ўрганилган. Янгиланган Конституцияда ўз аксини топган нормалар, яратилган янги имкониятлар орқали мамлакатда тадбиркорликни янги босқичга олиб чиқилишига хизмат қилувчи масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Конституция, иқтисодиёт, ҳуқуқ, адолат, кафолат, қонун ва тартиб.

Янгиланган Ўзбекистонда иқтисодий макон бирлиги ҳамда бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган эркин рақобат асосида товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланиши янгиланган Конституцияда кафолатлаб қўйилгани шубҳасиз, мамлакат иқтисодий салоҳияти ва сармоявий жозибадорлигини янада оширмоқда. Жумладан, ўзим Курбанов Жаҳонгир Абдумуталлиевич, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси бўлишим билан бирга, ёш тадбиркор, ҳамда ишビルармонлик билан ҳам шуғулланман. Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун яратилган ҳуқуқий кафолатларнинг ўзи нафақт ўзим учун, ҳатто халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун бизнес ҳуқуқи масалаларини тарғиб этишга имкон берадиганинг ўзи энг катта янгиликдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан давлатни халққа ва жамиятга хизмат қилувчи институтга айлантиришнинг олтин қоидаси яратилганлиги асосида амалга оширилаётган ислоҳотларни ижтимоий-иқтисодий ва маърифий ҳаётга тадбиқ этиш масалалари ўта долзарбdir.

Иккинчидан, иқтисодий барқарорлик ва маънавий юксалишга қаратилган “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғоясининг асосий мақсади фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимли равишда ривожлантиришга қаратилган дастурларни ҳуқуқий асослари ва ечимларини жамиятни ривожлантириш қонуниятларига мувофиқ такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, унинг асоси иқтисодиёт бўлса, руҳи ва жони маънавий

етуклиқдалигини англаган халқда яширин иқтисодиётга нисбатан муросасиз кураш шаклланиши табиийдир. Шу нүктаи назардан, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила - тадбиркор” ҳамда “Ёшлар келажагимиз”

каби дастурларнинг мазмун ва моҳияти ҳам фаровон ҳаётга қаратилганининг илмий-маънавий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш долзарбdir. Зеро, иқтисодиётни модернизациялаш, аҳоли бандлигини ошириш, иқтисодий барқарорликни таъминлашда тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ташкилий механизмлардан бири Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг ташкил этилгани бўлса, шунинг ўзи ҳам ҳар бир тадбиркорнинг мурожаати эътиборсиз қолмаслигининг амалий ифодасидир. Иккинчидан, қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширган ислоҳотлар натижасида сўнгги 5 йилда иқтисодиётга кириб келган хорижий инвестициялар ҳажми 10 баравар ошганини ташкил этди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилашда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси алоҳида ўринга эга бўлмоқда. Тараққиёт стратегиясининг 26 мақсади бевосита мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўришга,

29 мақсади эса тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказишга қаратилгани ҳам, янги ислоҳотларнинг изчилигини кўрсатади.

Учинчидан, тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилганининг ўзи ҳам янги қадам бўлса, уларнинг конституция моддалрида ўзи ифодасининг топгани ҳуқуқий кафолатdir. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида тадбиркорлик фаолиятини бевосита ёки билвосита тартибга солувчи 170 га яқин Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, шу жумладан, 300 га яқин Президент ҳужжатлари, 2000 га яқин ҳукумат қарорлари қабул қилинган. Жумладан, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик

түғрисида”ги, “Рақобат түғрисида”ги, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти түғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

Шу сабабли олиб борилаётган ислоҳотларнинг кафолати сифатида эндиликда янгиланган Конституцияда давлат томонидан қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминланиши бўйича қоида мустаҳкамлангани яъни, Конституциянинг 67-моддасида қўйидаги нормалар назарда тутилдики, унга кўра, “Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлайди.

Тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланади.

Монопол фаолият қонун билан тартибга солинади ва чекланади”.

Мазкур норма қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш учун мамлакатда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг таъминланиши, мукаммал ва барқарор қонунчилик базаси ва суд-хукуқ тизимининг амал қилиши, ҳалол рақобат қилиш имкониятининг яратилиши, рухsat олиш ва ҳисобдорликнинг имкон қадар чекланиши,adolatli солик тизимининг амал қилиши, энг муҳими, даромадларни эркин тасарруф этишни чекланмаганлиги ҳамда инвесторлар учун имтиёз ва преференциялар тақдим этилишини кафолатлади. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитинининг янада ривожлантиришда 2020 йил 1 январдан кучга кирган янги Солик кодекси муҳим роль ўйнади. Масалан, Солик кодексига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган соликлари деярли 50 фоизга камайтирилди ва хусусий тадбиркорлар учун соликқа тортиш тартибтаомиллари сезиларли даражада соддалаштирилди.

Дунё мамлакатлари аксарияти бозор иқтисоди ва муносабатлари йўлидан бораркан, бу иқтисодий ва бозор муносабатлари барча давлатларда ҳар хил даражада ўзига хос хусусиятлар билан ривожланаётганининг гувоҳи бўляяпмиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Конституяси. Т.Ўзбекистон.2023.
2. Ш. Мирзиёев. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар түғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 14.10.2020
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023 йил 8 май куни референдум якунларига бағишлиланган учрашув масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси.

-
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси <https://lex.uz>
 5. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун, <https://lex.uz>
 6. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 26.04.2012 йилдаги ЎРҚ-327-сон <https://lex.uz>
 7. “Рақобат тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 03.07.2023 йилдаги ЎРҚ-850-сон. <https://lex.uz>
 8. “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун